

ЗАМОНАВИЙ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА СИФАТ ИНТЕНСИВЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛАШ МУАММОЛАРИ

Азаматбек Абдухалилович НОРМАТОВ

докторант

Андижон давлат чет тиллари институти

Андижон, Ўзбекистон

azamatbek.normatov@mail.ru

Аннотация

Мақолада ҳозирги замон француз тилида сифатнинг қиёсий даражаси ва сифатнинг интенсивлиги даражасининг ифодаланиши муаммолари таҳлил қилинади. Шунингдек, француз тили ва бошқа тилларда ҳанузгача мунозарали бўлган қиёсий даражалар категориялари ҳамда белги даражаларининг чегаралари ва мезонлари ҳақидаги масала ҳақида фикр билдирилади.

Таянч сўзлар: сифат сўз туркуми, интенсивлик, қиёсий даража (компаратив), орттирма даража (суперлятив), аналитик шакллар.

ПРОБЛЕМЫ ВЫРАЖЕНИЯ СТЕПЕНИ ИНТЕНСИВНОСТИ ПРИЛАГАТЕЛЬНОГО В СОВРЕМЕННОМ ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКЕ

Азаматбек Абдухалилович НОРМАТОВ

докторант

Андижанский государственный институт иностранных языков

Андижан, Узбекистан

azamatbek.normatov@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются проблемы выражения сравнительной степени прилагательного и степени интенсивности прилагательного в современном французском языке. Вопрос о границах и критериях категорий сравнительных степеней и уровней признаков до сих пор остается спорным во французском и других языках.

Ключевые слова: прилагательное, интенсивность, сравнительная степень (компаратив), превосходная степень (суперлятив), аналитические формы.

Маълумки, сифатнинг семантик асоси белгиси, хусусият тушунчаси хисобланади [2;182]. Мантикий сифат категорияси – предметнинг муҳим аниқлиги – унинг микдорий жиҳати билан чамбарчас алоқада бўлади ва предметнинг ташқи аниқлигини ташкил этади. Бу ўзаро алоқа ва боғлиқлик маълум сифат ва унинг маълум микдорисиз мавжуд бўлмайди, предметнинг микдорий жиҳати эса фақат предметнинг ушбу сифати билан белгиланадиган

маълум чегараларда ўзгариши мумкин. Предметнинг сифат ва миқдор градацияси белгисининг кўрсаткичи даража ҳисобланади.

Сифат билан ифодаланган белгининг даражаси предмет белгиларининг миқдорий намоён бўлишини қиёслашнинг натижаси эканлиги ёки ушбу предметдаги мутлақ (мумкин бўлган нормага нисбатан кучайтирилган ёки камайтирилган) белгининг оддий таъкидланишига қараб, ҳозирги француз тилида сифатнинг қиёсий даражаси ва сифатнинг интенсивлиги даражаси фарқланади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, даража тушунчаси отларга ҳам татбиқ этилади [4;409]. Кўпчилик ғарб тилшуносларининг илмий тадқиқот ишларида шундай кўрсатма мавжуд-ки, хинд-европа тилларида отлар ва сифатлар ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд, мазкур чегаралар эса бекарордир. Бу тилшуносларни от ҳам худди сифатлар каби белги, хусусиятни ифодалаши мумкин, деган хулосага олиб келади [3;150]. Демак, сифатга ўхшаб белги маъносига эга от қиёсий даражалар парадигмасига эга бўлиши, шунингдек, сифатнинг катта интенсивлик билан характерланувчи абсолют даражасини ифодалаши мумкин. К.Ньюроп бу ҳодисанинг француз тилига анчадан буён маълумлигини қайд қилади ва қуйидаги фикрни билдиради. “L’union de plus avec un substantif se trouve dès le moyen âge dans quelques cas isolés”.

Бу ҳосилаларнинг кўп сонли мисоллари француз бадий адабиёти, ҳамда ёзма ва оғзаки нутқнинг турли услубларида учрайди. Масалан:

*Ses bras se soulevèrent vaguement en signe d'impuissance, des bras dodus et **très roses** dont la chair serrée par les manches courtes du corsage saillait en bourrelet juste au-dessus du coude* (Marie NDiaye. Un temps de saison. Edition Didier 2014. p.15).

*J'ai tourné en rond: j'ai hésité, j'ai tellement hésité que je suis parti **plus tard** que prévu.* (A.Charcosset, H. Koscielniak, N. Bensaad. Nouvelles du monde. Edition Didier 2015. p.19)

Plus, très, trop, si морфемалари ёрдамида белгини интенсивлаш тенденцияси феълдан ва от категориясига оид элементдан (от, сифатдош,

феълдан) ташкил топган феълли иборалар: avoir peur, avoir envie, avoir faim, avoir mal, avoir besoin ва бошқа тил бирликларида ҳам кузатилади [5;19].

Сифатнинг даражасини ифодалаш учун иккита лингвистик усул мавжуд: нисбий (релятив) ва мутлак (абсолют). Сифатнинг релятив даражалари муносабатнинг маъноси билан характерланади, унинг асосида мантикий категория (предметларни битта предметнинг бир хил белгиси бўйича бошқасига ёки бошқа кўпларига қиёслаш, солиштириб кўриш) ётади. Қиёсий даража (компаратив) ва орттирма даража (суперлятив) релятив даражанинг хусусий грамматик маънолари ҳисобланади. Компаратив шакли икки бўлакли конструкцияга эгадир, чунки предметларни уларга хос бўлган белгининг сони бўйича таққослаш, қиёслаш объектисиз мумкин эмас. Ушбу ҳолда қиёслаш объекти белгининг ўлчови вазифасини бажаради, у битта ёки бир хилдаги предметларнинг бутун бир қатори билан ифодаланиши мумкин. Масалан:

*Il est présenté comme le paquebot **le moins polluant** au monde.* (Le Figaro. Publié le 25.10.2022).

*Votre frère Miltos était **plus malin que** vous.* (source: Sous-titres de films/séries).

Шундай қилиб, конструкциянинг икки бўлаклилиги қиёсий даражанинг ўз моҳияти билан боғлиқдир. Бироқ компаратив синтактик тузилишга эга бўлмаслиги, яъни, икки бўлакли конструкциянинг иккинчи элементи тушириб қолдирилган бўлиши мумкин, аммо у ҳар доим кўзда тутилади ва уни контекстнинг ўзидан аниқлаш осон. Масалан:

*-Et **plus troublant**, des tendances à la violence.* (source: Sous-titres de films/séries).

*... pour remarquer ça, et me dire sur le ton d'une instruction décisive 12 qu'en matière de génétique il était une règle, qu'un homme était toujours **plus grand** que la femme qui l'avait fécondé* (Serge Joncour. Combien de fois je t'aime, p.9).

Сифатни солиштириш битта предметнинг ўзи учун турли вақт ва шароитларда содир бўлиши мумкин. Шу билан бирга таққослашнинг икки

базислиги сақланиб қолади, чунки бошқа давр манзарасида ёки бошқа шароитларда ушбу предметга хос бўлган белгининг миқдори қиёслаш конструкциясининг гўё иккинчи компоненти каби бўлади. Масалан:

*Les taux des crédits immobiliers pourront remonter **un peu plus vite**.* (Auréliе Blondel. Le Monde. Publié le 13 janvier 2023).

*Les parents francophones sont **plus nombreux** que les parents anglophones (72 % contre 57 %).* (Catherine Goldschmidt, Danielle Charbonneau. La violence dans les jeux vidéo sur consoles: Comment améliorer l'information aux consommateurs ?, p. 23).

Орттирма даража (суперлятив) ушбу белги инъом қилинган бир хилдаги предметлар гуруҳи билан солиштирилгандаги сифатнинг хаддан ташқари ортиклигини ифодалайди ва орттирма-ажратувчи маънога эга бўлади. Суперлятивнинг шакли компаративнинг шаклидан (**le, la, les**) аниқлик артиклини ёки (**mon, ma, mes**) эгалик сифати (детерминативи)ни қўшиш билан ҳосил қилинади, қиёслаш эталони **de** кўмакчиси ёрдамида киритилади. Унинг синтактик шакллантирилиши зарурий ҳисобланади, чунки қиёслаш эталони мавжуд бўлмаганда, у нисбийлигини йўқотади, аффектив-экспрессив тус олади ва абсолют суперлятивнинг эквивалентига айланади [6;10]. Масалан:

*Nous fûmes sauvés par le hasard **le plus étrange**.* (A. de Saint-Exupéry. Œuvres, p. 110),

Бу ерда “***le plus étrange***” ибораси “***très étrange***”, “***extrêmement étrange***” ибораларига эквивалентлидир.

Сифат интенсивлигининг абсолют даражалари предметнинг ўзида белгини мутлақ ажратиб кўрсатиш билан характерланади. Муносабат мазмуни ҳам бу ерда мавжуд, бироқ миқдорий белги бошқа предметларнинг белгиси билан эмас, балки меъёр учун қабул қилинган шу предмет ўзининг белгиси билан муносабатдош бўлади [7;153]. Масалан:

*L'oncle Paul est un homme d'une soixantaine d'années, **très blond**, **très déplumé**, assez gras, de taille moyenne.* (E.Triolet. Les manigances, p. 35).

Сифат хусусияти даражасининг бу икки мантикий категориялари – релятив ва абсолют категорияларига тилда уларни ифодалашнинг турли-туман воситалари мос келади. Белгининг релятив даражалари морфологик воситалар билан ифода қилинади. Маълумки, сўзнинг грамматик шакллари ушбу тилнинг тузилишига қараб турлича ифодаланиши мумкин. Ушбу хусусиятлар флексиянинг ўзгариши ёки ёрдамчи сўзларнинг мустақил маъноли сўзлар билан бирикмаси орқали ифодаланади. Француз тилининг аналитик тартиби сабабли сўзнинг грамматик шакллари синтактик жиҳатдан бўлакларга ажралмайдиган бирикма – ёрдамчи сўзлар билан ифодаланади. Сифатнинг кўриб чиқиладиган қиёсий даражалари категорияси француз тилида асосан аналитик шакллар билан тақдим қилинган:

plus (moins) + adj. – компаратив шакли ва

le plus (le moins) + adj. – суперлятив шакли.

Замонавий француз тилида қадимий латин тилидан мерос қилиб олинган қуйидаги суплетив шакллар мавжуд: *meilleur, pire, moindre*. Ҳозирги француз тилида ушбу шаклларни аналитик шакллар билан алмаштириш тенденцияси учраб туради. Масалан, *pire* ва *la pire* шакллари *plus mauvais, le plus mauvais* шакллари билан алмаштирилади, суперлятив шакл *moindre* эса кўп ҳолларда *plus petit, le plus petit* шакллари билан алмаштирилади.

Бадий ва илмий услубларга кўра ҳосил қилинган айрим сифатлар ҳам қиёсий даражадаги латин тили сифатларига бориб тақаладилар. Булар латинча *majorem* (қиёсий) дан ҳосил қилинган *majeur* ва латинча *minorem* дан ҳосил қилинган *mineur* сифатларидир. Нисбий тушунчаларни ифодаловчи: *antérieur, postérieur, inférieur, supérieur, intérieur, extérieur* каби қиёсий даражадаги латинча *anteriorem, posteriorem* ва бошқа бир қатор сифатларнинг келиб чиқиши ҳам шундай. Бу сифатлар қиёсий даража маъносини йўқотган, аммо бу сифатлар одатда, қиёсий даража парадигмасига эга эмас.

Шунингдек, орттирма даража маъносига эга бўлган латинча сифатларга *infime, intime, extrême, suprême* сифатлари бориб тақалади. Бу сифатлар латинча шакллар билан семантик алоқасини янада кўпроқ йўқотган ва шунинг

учун улар *plus, moins, aussi* равишлари билан анча эркин бирикади: *plus intime, moins extrême*.

Лотин тилидан ёки (суперлятивни ҳосил қилишнинг бу усулини сақлаб қолган) итальян тилидан олинган архаик шаклларга *-issime* суффикси билан мутлақ суперлятив ҳосиласини киритиш керак.

Француз тилида сифат интенсивлигининг абсолют даражаси жуда ранг-баранг тил воситалари: лексик, грамматик ва фонетик воситалар ёрдамида ифода қилинади.

Ритмик-интонацион воситалар энг кучли экспрессив воситалар ҳисобланади ва сифатнинг аффектив интенсивлаш услубларига киради. Лексик воситалар ниҳоятда турли-туман ва кўп сонли бўлиб, уларга ёркин эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сифатлар (*merveilleux, splendide, superbe, formidable*), фразеологик гуруҳларни ҳосил қилувчи [1;93] ҳамда сифат интенсивлиги энг юқори даражасининг кўчирилган маъносига эга бўлган сифатлар киради (*chaleur suffocante, accablante, tropicale, torride, sénégalienne* – “толиқтирадиган, тоқат қилиб бўлмайдиган, тропикка хос, (жонни) қийнайдиган, Африкага хос иссиқ”). Сифат интенсивлигининг энг юқори даражасини беришга ёркин экспрессив восита бўлиб хизмат қиладиган қиёслашлар – фразеологизмлар, барқарор оборотлар, идиоматик иборалар (*blanc comme neige, beau comme le jour, fort comme la mort* ва ҳ.к.) ҳам шуларга тегишлидир.

Сифат интенсивлигининг абсолют даражасини ифодаловчи грамматик воситалар морфологик ва синтактик воситаларни бирлаштиради. Сифат интенсивлигининг мутлақ даражасини ифодаловчи морфологик воситаларга аффиксал ҳосилалар, асосан, префиксал ҳосилалар киради (*archicomble, super-rapide, extra-fin, hypersensible*). Синтактик воситаларга сифатлар ва равишларнинг хилма-хил шакллари, қотиб қолган равишли бирикмалар билан бирга қўшилиб ишлатиладиган бирикмалар, сифатларнинг ёки равишларнинг такрорланиши, махсус синтактик конструкциялар ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, сифатнинг абсолют даражасини ифодалашнинг воситалари кўп сонлидир. Улар ўз тузилишига кўра ранг-баранг ва ўзининг стилистик қўлланилиши бўйича бир хил эмас. Бу масала мазкур воситаларни таснифлашда, шу билан бирга, сифат интенсивлигининг абсолют даражаси категориясининг моҳиятини аниқлашда маълум қийинчиликлар туғдиради. Бу масалаларни ҳал қилишни сифат даражаларининг иккита: релятив ва абсолют категориялари ўртасидаги ички алоқаларнинг таҳлилидан бошлаш керак. Қиёсий даражалар категорияларининг ҳамда сифат даражаларининг чегаралари ва мезонлари ҳақидаги масала ҳанузгача мунозарали ҳисобланади. Бу муаммо нафақат француз тилшунослигида, балки бошқа тилларда ҳам ҳанузгача ҳал қилинмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Балли Ш. Французская стилистика. URSS. 2009. Пер. с фр. Изд.3, стр. 93. ISBN 978-5-397-00124-3. 384 pages.
2. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. /Под. ред. Г. А. Золотовой. – 4-е изд. – Москва: Русский язык, 2001. – 739 с. ISBN 5-200-03017-X.
3. Есперсен О. Философия грамматики. – Москва: Наука, 1958.
4. K. Nyrop. Grammaire historique de la langue française, V-II HardPress Publishing 2013, p.346. 478 p.
5. G.Gougenheim. L'intensité du verbe et de la quantité. "Le français dans le monde", № 3, 1965, p.19. 56 pages.
6. L. Morawska. L'adjectif qualificatif dans la langue des symbolistes français (Rimbaud, Mallarmé, Valéry). Poznan, 1964. 169 pages.
7. B.Pottier. Systematique des elements de relation. Paris, 1962, p. 153. 211 pages.